Ингичка ичакда майда, оз микдордаги, оғирлашмаган диверткулалари бор касаллар оператив даволашга мухтож эмас. Операцияга курсатма – дивертикул резекциялари – факатгина унинг катта улчамларида ва яллигланишга мойил бўлганда пайдо бўлади. Дивертикулезларда одатда кон кетиш массив бўлмайди ва улар консерватив йул билан даовланади. Эндоскопик кон тухтатиш ҳам мумкин. Давомий, кайталанувчи кон кетишларда, анемияларда, ичакнинг жароҳатланган қисмини резекцияси зарур.

Прогноз. ингичка ичакни куп сонли дивертикулалари прогнозида сурилишни бузилиш синдромини пайдо булиши прогнози кийинлаштиради. Ичакни таркалган жароҳатланишиджа прогноз. Яхши эмас, чунки оператив даовлашни яхши натижани ҳам бундай ҳолларда чегараланган бўлади: кенгайган резекция сурилишни хавфли бузилишларига олиб келади.

МЕККЕЛЬ ДИВЕРТИКУЛИ (DIVERTICULUM MECKELI)

Баъзи ҳолларда ингичка ичакнинг охири қисмида рудиментар ҳосила пайдо бўлади, бу қолдик ductus omphaloentericus, Меккель дивертикулни деб аталади (Расм 3). Дивертикул куп ҳолатларда ингичка ичакни йугон ичакка утиш жойидан 40-60 см узокликда ичакнинг озод чеккасида жойлашган бўлади. Вакт утиши билан қуриган билан дивертикул орасидаги масофа узоклашади. Дивертикул узунлиги 2-15 см бўлган усимта шаклида бўлади; ичакнинг диаметри кенглигига тенг бўлади. Дивертикул конуссимон ёки цилиндрсимон шаклга эга бўлади, баъзида эса у кенгайди ва ичаксимон шаклига эга бўлади. Баъзи ҳолатларда дивертикул узининг ичак туткичига эга бўлади.




Расм 3. Меккел дивертикули.

Меккел дивертикулини кон билан таъминланиши ингичка ичакни деворини озиклантирувчи, артериадан чикувчи бир ёки бир неча артериал шохлар орқали содир бўлади. Бу артериялар дивертикул ичак туткичига ёки унинг деворига йуналган бўлади. Ductus omphaloentericus эмбрионал ривожланиш даврида ингичка ичак петлясини киндик билан бириктиради. Меккель дивертикули баъзида ичак тутилишига, ички чурралар ингичка ичакни буралишига сабаб бўлади.

Даволаш. Меккель дивертикулини дивертикулитларда, унинг яраларида, девиртикулит сабабли пайдо бўлган ичак тутилишларида, киндик ёриклари пайдо бўлганда, операция пайтида қурибю қолинганда олиб ташлаш керак.

Операция техникаси. Корин бушлиги ёрилгандан сунг ёнбошл ичак дивертикули билан чиқариб олинади. Агар дивертикул димаэтри катта булмаса унинг олиб ташланиши оддий аппендэктомиядан фарк қилмайди (Расм 4).



Расм 4. Меккел дивертикулини резекцияси.

Агар дивертикул кенг ва ичак туткичга эга булса, у боғланиб олинади, яъни дивертикул асоси бушатиб олинади.

Бундан сунг ичакка юмшок ичак жами куйилади ва дивертикул асосидан кесиб олинади. Ичакдаги жарохатни унинг ёйи тарафга кундаланг йуналишда 2 каторли чок билан тикилади. Корин бушлигини тула тикилади.

КРОН КАСАЛЛИГИ

Крон касаллиги (регионар энтуит, гранулематоз имит ёки копия) — номаълум этиологияга эга булган, ёбош ичакнинг терминал қисмида жойлашган, хазм булиш системасининг гранулематоз яллигланиши: ичакнинг жарохатланган қисмини стенози, ёриклар (свищлар) пайдо булиш билан характерланади. Бу касаллик 1932 йили В.В. Ып томонидан тасвирлаб берилган.

Патологик жараёни жойлашувига қараб Крон касаллигини 2 та турини ажратишди. 1 тип: а) сегмент билан чегараланган йугон ичакнинг жарохатланиши; б) имоцекал қисм жпрохатланган; в) 1 та сегмент билан чегараланган ингичка ичакнинг жарохатланиши 2 тип: а) ингичка ва йугон ичакнинг сегментлари жарохатланади. б)ичак жарохати балан бирлашувини мавжудлиги.

Этиология. Касаллиги сабаби аниқланмаган. Хар-хил гипотезалар чиқарилган, иммунологик, инфекцион. Вируслар, хламидиялар бактериялар айниқса мико бактериялар сабабли деб уйлашган. Кузатишлар шуни курсатдики Крон касаллигини купайишида озик махсулотларига кушилаётган кушимчалар (пищёвые добавки) ва озик махсулотларида клетчаткани етишмаслиги катта урин эгалайди. Лекин бу гипотезаларда хеч қайсиниси тасдиқланмаган. 20 % касалларда бу касаллика булган олилавий мойиллик кузатилади.

Патогенез. Яллигланиш жараяни ичакнинг шиллик каватини остида пайдо булади, яъни инфильтратлар (грануленолар) хосил буладиган жойда.

Гранулмалар лейкоцитлар туплашдан иборат, уларнинг марказида Пирогов-Лангханс хилидаги гигант хужайраларни учратиш мумкин. Туберкулез гранулемалоридан фаркли Крон касаллигида хеч қачон казеоз некрозли учоглар хосил булмайди.

Инфильтрация ичак деворининг шиллик, сероз каватларига таркалади. Бунинг натижасида ичак девори калинлашади, шиллик кават нотекис рельефга эга булиб қолади, унинг юзасида эса куп сонли эрозия ва язвалар хосил булади, бутун ичак буйлаб худди ериклар сингади. Баъзи холларда язвалар перепарацияланади, бу эса ичаклар уртасида свищлар пайдо булишига олиб келади. Девор-

нинг чандикли узгаришлари ичакни ички тарафани торайишига олиб келади, бу эса қисман ёки бутунлай ичак тутилиб қолишига сабаб бўлади.

Патоморфология. Крон касаллигида жароҳатланишни энг биринчи макроскопик белгиси бу- шиллик пардани майда яралар ҳамда (аорта). Яллигланиш жараёни бир маромда ичак деворининг ҳамма қаватларига тарқалади, айниқса шиллик қаватининг остига. Бунинг натижасида бошқа характерловчи белги пайдо бўлади- жароҳатланган орган ёки унинг сегментини деворини қалинлашуви ва унинг торайиши, шиллик қават ва свицларни аниқ чегараларини, чуқур ерикларини мавжудлиги, қуп холларда инфильтрат қорин бушлигида пайдо бўлади, пальпация қилинади. Шиллик парданинг рельефи ичак деворини лимфоид хужайралар билан инфильтрация ҳисобга ва ундан чуқур ериклар утиши натижасида узига хос қуринишига эга бўлиб қолади.

Крон касаллигидаги гистологик қуринишни муҳим аҳамияти- ичак деворини типик трансмурал жароҳатланиши. Яллигланиш сероз пардага, қушни туқима ва органларга свиц ва битишмалар ҳосил қилиб тарқалиши мумкин.

Касалликни бошқа характерли томони- Пирогов- Лангханс хужайрали қацеоз бўлмаган саркоидсимон эпитемиод гранулемоларни пайдо бўлишидир.

Крон касаллигида патологик жараён қуп холларда ингичка ичакнинг терминал қисмида жойлашган бўлади, лекин ҳазм қилиш системасини ҳар бир қисмида жўлашиши мумкин- оғиз бушлигидан орқа чиқариш тешигига, ёнбош ичакнинг чегараланган жароҳатланиш тахминан 35% ҳолатларда қузатилади, ёнбош ва йугон ичакни – 45%, йугон ичакни крон касаллиги тахминан 20%. Аноректал қисмни чегараланган жароҳатланиш 3% касалларда учрайди. Бир вақтнинг узида ҳазм қилиш системасини бир нечта қисми жароҳатланиши мумкин.

Клиника. Умумий клиник симптомларига диарея, қориндаги оғриқлар, безгак ва тана вазни йукотиш қиради.

Диарея қупчилик касалларда пайдо бўлади, лекин патогенез механизми бўйича фарқ қилади. Ёнбош ичакнинг жароҳатланиши натижасида желчный тузларни сурилиши бузилади, бу эса йугон ичакда ва сув секрециясини ошишига олиб келади (хологен диарея). 100 см атроспидаги ёнбош ичакнинг жароҳатланиши катта микдорда желчный тузларни йукотишига олиб келади ва мицелла ҳосил бўлишини бузилиш натижасида стеатореяни чақиради. Ингичка ичак структураси ичак стазига ва бактериялар билан зарарланишга способствовать қилади, бунинг натижасида моторика ва сурилиш бузилади. Баъзи касалларда тенезмалар бўлиши мумкин, бунга тугри ичакнинг жароҳатланиши сабаб бўлади, лекин ярали қолитдан фарқли ахлатда қон бўлмаслиги мумкин.

Қориндаги оғриқ қуп холларда оғриқ пастки ун қвадратда бўлади. Қучли тулғок симон оғриқлар ичакни трансмурал жароҳатланишини, ичакни торайишини ёки уни тутилишини қурсатиб туради. Иситма, лейкоцитоз билан қузатиладиган доимий оғриқ, абсцесс пайдо бўлганлиги ҳақида шубҳа ҳосил қилиш қерак.

Субфебрил ҳарорат ва умумий лоҳаслик- ичакни яллигланиш касаллигига хос бўлади. Юқори тана ҳарорати абсцесс пайдо бўлганлигини, септик безгак эса септицемияни қурсатиб туради.

Тана вазнини йукотиши кахексиягача булиш мумкин. Трофикани бузилиши емон сурилиш, яллигланиш натижасида оксил катаболизмини ошиши натижасида булиши мумкин.

Терминал имит билан касалланган болаларда, буйининг усишини секинлашуви, жинсий ривожланишида колоклик кузатилади, бунда ичак симптомлари йук булиши хам мумкин. Аёлларда куп холларда аменорея пайдо булади.

Баъзи бир касалларда объектив текширув жараёнида корин симметриясини куриш мумкин, бу унғ пастки квадратни буртиб чикиши натижасида булади. Пальпация жараёнида юмшок консистенцияли инфильтратни аниклаш мумкин, бу инфильтрат ичак деворининг калинлашуви еки ичаклараро абсцесс хисобига булиши мумкин. Перионал соха куздан кечирилганда анал ериклар, проктит ёки парапроктит каби холатларни кузатишимиз мумкин.

Крон касаллигининг клиник формалари. *Ичакда жойлашган крон касаллиги куйидаги клиник формаларга эга: 1) уткир имит (имотифлит) 2) сюноилит ингичка ичакни тутилиши синдроми билан 3) сурункали сюноилит сурилишни бузилиш синдроми билан 4) гранулематоз колит 5) гранулематоз практит.*

Уткир формаси кориндаги огирк приступларпи билан характерланади, айникса унғ енбош сохада. Купчилик касаллар стационарнинг хирургиясига уткир аппендицит деб келишади. Лапаратомия вақтида эса енбош ичакнинг терминал кисмини яллигланиши аникланади, баъзида бу яллигланиш кур ичакка тарколган булади, ёки перфорация сабабли перитоник ёки жарохатланган жойнинг некрози булиб чиқади. Некроз ёки перфорация булса ичакни жарохатланган кисмини резекция килинади, бошка холатларда эса ичак ревизия килинади ва новакаин ва антибиотиклар эритмаси билан ингичка ичакни ичак туткичи инфильтрация килинади.

Стенозирловчи формали крон касаллиги узок вақт аниклаб булмайдиган, кориндаги огриклар билан кечиши мумкин. Касаллик куп йилларда давомида аникланмай колиши мумкин. Агар касаллик болаликда бошланса, касал физик сексуал ривожланмай колиш мумкин. Пальпация жараёнида корин бушлигида инфильтратни аниклаш мумкин. Кейинчалик ичак тутилишини кучайиши натижасида огрик приступлари купрок унғ енбош тарафда пайдо булади, кушиш, корининг шиши, корин кулдураши, ахлатни ушлаб колиши каби холатлар содир булади. Олди тарафдаги окрин девори пермодин кутарилувчи «валлар» формасидаги кузга куринадиган перистальтика пайдо булади. Диагноз асосан рентген текширувидан сунг ёки лапаратомия вақтида куйилади.

Бирламчи сурункали Крон касаллиги кайталанувчи диарея, аенмия, гипопроteinемия, шишиш ва сурилишни бузилиши каби симптомлар билан кечади. Огрик синдроми ва иситмани куриниши ичак тутилиши ва яллигланиш даражасига боглик булади.

Ичак ташкарисидаги белгилар ва асоратлар. Ичак ташкарисидаги белгилар 3 хил булади.

Биринчи гурух. Бу гурухга крон касаллигини ичак симптомлари билан бир вақтда пайдо буладиган ичак тошидаги манифестациялар киради. Уларга артрит, афтозли стоматит, тугунли эритема ва гангроноз пиодермия киради. Бу белгилар 1/3 кисм касалларда кузатилади ичакнинг яллигланиш касалликларда, ярали колит ва крон касаллиги учун умумий хисобланади. Санаб утилган асо-

ратларни патогенези ичакни яллигланиши билан боглик булади, ва алохида даволашни талаб килмайди.

Иккинчи гурух. Ичакни яллигланиш касаллиги билан боглик булган, лекин специал даволашни талаб килмайдиган орган ва системалар жароҳатланишини уз ичига олади. Уларга анкипозирловчи спондилит ва сакроилит, увит ва бирламчи склерозирловчи холангит киради.

Учинчи гурух. Сурилишни бузилиши билан белгиланади. Уларга сийдик тош касаллиги, ут тош касаллиги, анемия, кон ивишни бузилиши киради. Сийдик тош касаллиги оксалатларни меъёридан ортик сурилиш натижасида пайдо булади, улар нормада ичак ичида кальций билан богланишади. Ёг сурилишини бузилиши натижасида кальций ёг кислоталари билан осон боғланади ва совун хосил килади. Пайдо буладиган гипероксалатурия буйракларда тошлар пайдо булишга сабаб булади. Ут тош касаллиги ёнбош ичак жароҳатланганда ут кислоталарини энтерогепатик циркуляцияси бузилганда пайдо булади. Бундан ташкари Крон касаллигида сийдик чикариш канали, найчаларини инфилтратлар билан сикилиб қолиши натижасида гидронефроз пайдо булиши мумкин. Яна бу гурухга иккиламчи амилоидоз ҳам киради. Куп холларда ингичка ичакнинг юкори кисмини жароҳатланиш натижасида темирни сурилиши бузилганда ёки сурункали кон кетишларда темир танкислиги анемияси пайдо булади. Ёнбош ичакли катта кисми жароҳатланганда В₁₂ витаминини сурилиши бузилади ва макроцитар анемия вужудга келади. Сульфасалазин билан узок вақт даволаш натижасида фолиевый кислотани сурилиши бузилади ва гемолиз пайдо булади бу эса анемияга сабаб булади.

Ёгда эрувчи витаминларни сурилишини бузилиши натижасида купгина салбий ҳолатлар пайдо булади: организмда А витамини танкислиги хисобига қуриш бузилади, гипокальциемия (Д гиповитаминоз) ва тротромбинни камайиши хисобига кон кетишлар давомийлиги ошади (К гиповитаминоз).

Лаборатор текширувлар. Клиник кон анализларида темир танкислиги анемияси: ёки В₁₂ – танкислиги анемияси, кон кетиш давомийлигини бузилиши, протомбитни камайиши аникланади. Латологик жараён ингичка ичакда содир булганда кон зардобиди оксил микдорини камайиши кузатилади, кучли экссудация натижасида.

Диагноз. Крон касаллигини утқир формаси билан огриган беморларда диагноз одатда утқир аппендицит деб тахмин қилингандаги лапаратомия вақтида қўйилади. Операцияда ичакнинг зичлашган гиперемияланган кисми, ичак тутқич деворини катталашган лимфа тугунлари ва асоратлар (перфорация, абсцесс, стеноз) кузга ташланади. Бундай холларда ирсинозни олдини олиш мақсадида серологик текширувлар утқизиш керак.

Диагностика учун одатда рентгенологик текширув фойдаланилади. Ирригоскопияда нафакат йугон ичак жароҳатланишини балки терминал имит белгиларини ҳам қуриш мумкин: нотекис рельеф ва ёнбош ичакнинг торайиши.

Ингичка ичакнинг тутилиши белгилари йук булгандагина ошқозон ва ингичка ичакнинг рентгенологик текширишини утқизиш мумкин. Касалликнинг бошланғич вақтларида диагноз қўйиш қийнрок, лекин барий клизмаси ёки сульфат барийни силжиши буйлаб юзадаги аорат ва чизиксимон яраларни қу-

риш мумкин.

Рентгенологик методлар ердамида Крон касаллигини 3 та морфологик боскичларини белгилаш мумкин.

1 б о с к и ч (эрта узгаришлар). Бурмаларни шишиш натижасида калинлашуви ва текисланиши, куп сонли диаметри 0,1-0,2 см булган яраларни мавжудлиги, ичак девори эластиклигини саклаб қолади.

2 б о с к и ч (оралик узгаришлар). Нодуляр рельеф, изъязвления, ичак туткич чеккаларини ригидтиги, псевдодивертикул шаклида уларни чикиб қолиш билан фарк қилади. Ичак девори калинлашган. Бир хил улчамдаги диаметри 1 см булган модуляр дефектлар шилик қаватли атрофияси ва чандикланишини шишиш билан бирлашувчи натижасида ҳосил бўлади.

3 б о с к и ч. (аник намоён булган узгаришлар). Шиллик қаватнинг язванодуляр рельефи, чуқур ериксимон уймаларнинг борлиги. Петлялар орасидаги масофа узоклашган, деворлар калинлашган, таранглашган.

Крон касаллигининг активлик даражаси алоҳида индекс ёрдамида аникланади [Best W. Et al., 1976].

БЕСТ индекси. Крон касаллигининг активлик даражаси.

1. Хафта давомидаги неформмный дефекациялар сони	x 2 =
2. Хафта давомидаги кориндаги огрикларнинг интенсивлиги (0-грик йук; 1- енгил огрик, 2- билинарли, 3- кучли огрик)	x 5 =
3. Хафта давомидаги хоалти (0- яхши, 1- коникарли, 2- ёмон, 3- жуда ёмон)	x 7 =
4. Куйидаги формула бўйича ҳисобланадиган тана вазнини танқислиги: 1- <u>тананинг фактик вазни, кг</u> тананинг керакли вазни, кг	x 100 =
5. Пальпация вақтида кориннинг тортилиши (0- йук, 2- шубхали, 5- бор)	x 10 =
6. Диареяни симптоматик даволашни зарурлиги (0- йук, 1- бор)	x 30 =
7. Гематокрит, мавжуд ва нормадаги орасидаги фарк (эркакларда норма 47, аёлларда 42)	x 6 =
8. Крон касаллигини бошқа симптомлари (хар бир симптомнинг борлиги- 1, йуклиги-0) бугимлардаги огрик, артрит иридоциклит, увеит тугунли эритма пиодумма афтоз стоматит анал свищ, параректол абсцесс свищ ва абсцесслар бошқа жойлардаги хафта давомида тана ҳарорати 37 °C дан юқори Мусбат симптомлар йигиндиси	x 20 =
Активлик индексини йигиндиси	йигиндиси - п 1-8

Соглом одамларда активлик индекси 0 га тенг, катта булмаган активликда у 150 дан кам, катта активликда 150 дан куп.

Дифференциал диагноз. Крон касаллигини клиник симптомлари жуда

куплиги сабабли тгри диагноз касаллик бошлангандан бир неча йил утгандан сунгина куйилади.

Касалликни уткир формаси бор касалларда серсиниоз ва бошка уткир ичак ва паразитар касалликларни йук килиш керак. Крон касаллиги билан касалланган пуманал свищлари ва ериклари, иситмаси, тугунчали эритмаси ва сабаби аникланмаган артрити бор касалликларда дифференциал диагноз утказиш керак.

Крон касаллиги билан ухшаш булган рентгенологик белгилар кур ичак ролида, корциноидда лимфосаркомада радицион энтеритта ва туберкулезли имотерлитда булиши мумкин.

Шуни эътиборда тутиш керакки корнинг патски квадратдаги огриклар аёлларда бачадон ташкарисидаги хомиладорликда, тухумдон киста, ва усмаларда булиши мумкин.

Даволаш. Касалликлар тулик жисмоний ва рухий тинчлик булиши керак. Бунинг учун седатив даволаш тавсия килинади.

Жараёни патологик активлик даражасига караб даволаш олиб борилади. Активлик катта булмаганда яхши эффектлари содир булганда гармонлар белгиланади ва порентерал озикланишга утказилади. Баъзи холатларда касалларга оператив чоралар зарур булади. Даволашни эффективлигини кузатиш максатида Бест индексида фойдаланиш кулай.

Диета. Касаллик активлиги 150 баллдан хам булган беморларга №4 диета тавсия килинади. Ундан унга нисбатан торантлиги пасайган махсулотлар чикариб ташланади. Активлик даражаси юкори булганда (150 баллдан юкори) кисман парантерал озикланиш белгиланади. Касаллар №4 диета шлаклари йук булган махсулотлар билан олишади (парталак виосорб, сурвимед) уларнинг таркибида калта – ва урта занжирли ёглар осон кабул килинади оксиллар булади. Препаратлар дозаси калорияга булган мухтожликга боглик булган. Кабул килишни кичик дозалардан бошлаш керак. Одатда бошида бир ош кошик препарат 200 мл литр сувда эритилган холда тавсия килинади. Агар кун давомида касал бу дозани яхши кутара олса унда кунига бу дозани 3-4 марта кабул килиши мумкин. Шкалсиз озукани ёмон тъмли булгани сабабли назогастрал зонд оркали томчилаб жунатиш мумкин.

Парентериал озука холи хам белгиланади хар куни 500 мл дан аминокислоталар эритмаси (аминосол, альвезин) 1-1,5 литр микдорида 10 % глюкоза эритмаси кунига 500 мл дан ёгли эмульсиялар (интралипид, липофундит).

Сурилишни бузилиши синдромида ва ингичка ичак жарохатланганда ёгда эрувчи витаминлар фоливая кислота ва В₁₂ тавсия килинади. Уларга Fe, K, Mn, Zn препаратларини кушимча килиш керак. Ишта ёмон булганда агар ингичка ичакда сурилиши бузилмаган булса кисман энтерал озука берилади.

Касалларда ингичка ичакнинг 100 мл ли резекцияларидан сунг стеаторея пайдо булади, ут кислоталарини сурилишини бузилиши натижасида бундай холларда ёг микдори кам булган диет тавсия килинади. Кушимча килиб урта занжирли тугунчалар буюрилади, бунга сабаб улар ут кислоталарни сурилишини талаб килмайди.

Крон касалликни даволашда яллигланишга карши хусусиятга эга булган

препаратлар, антибиотиклар ва симптоматик воситалар кулланилади.

Яллигланишга карши воситалар: сульфасалазин, писалазин (солофальк) ва кортикостероидлар.

Сульфасалазин – яллигланиш жараёни йугон ичакда ва имоцекал сохада жойлашганда, унинг активлиги катта булмаганда (150 баллдан оз) эффектив хисобланади. Препаратни 3-6 ч/сут, 2 хафтага белгиланади. Яллигланиш жараёндари камайиши билан суткасиз дозани 1-1,5 г гача камайтиради.

Доза билан боглик муаммолар (иштаха йуколиши, кунгли айниши, бош огриши) дозани камайтириш билан йукотилиши мумкин.

Аллурия, иситма, тери тошмалари сингари ножуя таъсирларни проблар утказиш билан олди олинади. Лекин агранулоцитоз, массив гемолиз, гепатит ва упкадаги асоратлар каби асоратларни олдини олиш мушкул.

Месалазин (салофалья, лисакол, солозинал) таблеткасини сувда эрувчи кобиги 15-30% 5- АСК борлиги сабабли у ёнбош ичакда эрий бошлайди. Асосий актив кисми (60-75%) таблеткадан йугон ичакда ажралади.

Йугон ва ингичка ичакнинг дистол кисмидаги Крон касаллигини рецидивларини частотасини камайтириш учун салофальс кулланилади. Аччик ичакдаги жойлашувига эса пентаса кулланилади.

Юкори активликда (150 баллдан юкори) 5- АСК препаратларидан фойда булмаса хам преднизалон кулланилади.

Преднизалон – Крон касалиги ингичка ичакда содир булганда фойда беради. Касаллик уртага огир ва огир кечаётган беморларга берилади.

Кунлик дозаси касалликни огирлашигига боглик булиши керак, яна тана вазнинига 1,0 мг/ кг булиши керак. Кортикостероидлар огир холатларида катта дозаларда томир ичига жунатилади. Агар Крон касаллиги тугри ичакда жйолашгна булса, кортикостероидлар клизма шаклида хар куни 2 мартадан жунатилади.

Кортикостероидлар билан узок даовлаш натижасида системали асоратлар ва ножуя таъсирлар пайдо булади- диабет, артериал гипертнезия, остеопороз, кон кетиш, 3-4 хафтадан сунг препарат дозасини хафтасига 5 мг килиб камайтиради.

5- АСК сульфасолазин ва преднизалон препаратлари билан даволаш узок вакт давом этиши керак, каса стационалардан чиккандан сунг поликлиника терапевти кузатувида давом эттирилади. Ойлар давомида бемор кабул килиши мумкин булган минимал суткалик дозалар: лисазлазин- 0,5-1 г, сульфасолозин- 1-1,5 г; преднизолон 5-10 мг.

Буденофальк асосан чамбар ва енбош ичакдаги енгил ва урта огриклардаги уткир боскичидаги Крон касаллигида тавсия килинади, ошкозон ва ингичка ичакнинг юкори кисмларидаги Крон касаллигида кулланилмайди. Бугим, куз, теридаги касалликда хам таъсир килинмайди, чунки у махалий таъсирига эга.

Антибиотиклар. Иккиламчи инфекция кушилганда, йирингли асоратлар пайдо булганда, корин бушлигида инфилтрат хосил булганда касалга антибиотиклар тавсия килинади.

Хар бир 4-6 соатда мускул еки томир ичига 0,5-1г дозаларда ярим синтетик пенициллинлар (ампициллин, пентрессия) кулланилади. Огир диабактериоз пайдо булиш хавфи борлиги учун даволаш курси 2 хафтадан ошмаслиги керак.

Бир вақтда кунига 1-1,5 г дн метронидазол хам куллаш мумкин.

Метронидазол Крон касаллигида эффектив альтернатив дори хисобланади: айниқса куп вақтларда у перионал, имоцекал кисмларда, йугон ичакда жойлашганда кулланилади.

Метронидазол дозаси суткасига 10-20 мг/ кг ни ташкил килади. Лекин яхши кучли таъсир 4-6 хафтадан кейин сезилади. Препарат организмга ёмон таъсир курсатмайди, лекин узок вақт кулланилганда парестезия каби ножуя таъсир пайдо булади, дори кабул килиш тухтатилганда одатда йуқолиб кетади.

Симптоматик воситалар. Огрик, диарея вақтида симптоматик восита сифатида дифеноксилат, имодиум ва кодеин фосфат кулланилади. Имодиум томчиларда кунига 1-2 марта 25 томчидан ёки капсулада кунига 2-3 марта 2 мг дан кулланилади. Фосфат кофеин кунига 3-4 махал 0,015 г дан.

Шуни эътиборга олиш керакки юқорида санаб утилган дорилар чиакдаги босимни ошириб юборишади, шу сабабли хавфли хисобланади, чунки токсик дилотацияни ёки ичак перфорациясини келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун касалликни уткир даврида бу дориларни куллаб булмайди. Уларни факат стационар даволашни охирги боскичларида ремиссия вақтида амбулатор шароитларида симптоматик восита сифатида куллаш мумкин.

Агар ичак тутилишини белгилари йук булса, диареяни камайтириш максадида смекта ёки олма гель куллаш мумкин. Касалларда ёнбош ичакнинг катта жароҳатларида ёки унинг резекциясидан сунг хам стиралин тавсия килинади, у йугон ичакда сув ва электролит секрециясини чиқарувчи ут кислоталарини боглайди.

Препаратни кунига 3 махал овкатдан 40 минут олдин 1 чой қошиқдан сув билан кабул килинади. Даволаш курси 7 кундан 14 кунгача.

Ёнбош ичак жароҳатланганда В₁₂ – танкислик анемияси пайдо булиши хавфи тугилади., олдини олиш максадида хар 6-8 хафтада мускул ичига 600 мкг ционокоболалин жунатилади.

Кулловчи даво. Крон касаллигини ремиссияси бошланганда кортикостероидлар тухтатилади. Дорилар кабул килишни секин 1 маромда тухтатиш керак (хар 14 кунда 2,5-5 мг куп эмас)ва кулловчи даволашга колдирилади (хар куни 5-15 мг преднизолон) ой- йил давом этади.

Крон касаллигини асоратларида хирургик даволаш. Крон касаллигини оператив даволашга абсолют ва нисбий курсатмалар берилади.

Абсолют курсатмаларга перфорация ва перитонит, токсик дилотацияси, огир кон кетишлар ва уткир ичак тутилиши киради.

Бундай холларда оператив аралашув фактагина зарур булганда амалга оширилади.

Хирургик даовлашга нисбий курсатмалар медикаментоз даволашдан фойда булмаганда касалда сурункали ичак тутилиши булса, консерватив даволанаётган тери, куз ва бугим жароҳатлир булганда пайдо булади.

Беморни хирурга беришдан олдин, унинг хазм килиш системасини рентгелогик ва эндоскопик ревизиядан утказиш керак.

Ичакнинг жароҳатланган кисимни резекциясидан сунг беомр яна гастроэнтеролог кузатувида булиши керак, зарур булганда унга яна медикаментоз даво кулланилади.

Хамма медикаментоз даволашлар таъсир курсатилмаганда ёки унинг огир асорталари пайдо булганидагина Крон касаллигида оператив аралашув кулла-

нилади. Хирургия даволашни бирламчи усули булиши керак эмас, чунки операциядан кулим даражаси 3% ташкил килади. Уртача 70 % Крон касаллиги билан огриган беморлар хирургик даволашга мухтож. Операцияни медикаментоз даволашга кушимча килиб утказилса беморларнинг ҳолати жуда яхши булиши мумкин. Хирургик даволаш ичак тутилиши кучайганда, ичаклараро абсцесс ва свищлар пайдо булганда амлага оширилади. Ичак резекцияси ремиссияни олдини олади лекин касалликдан буткул халос этмайди. Тахминан ярим ҳоларда қайта операция зарур. Шундай килиб хирургик даволаш специфик асоратлар пайдо булганда ва медикаментоз даволаш самарасиз булганда амалга оширилади.

Ичак тутилиши (обструкция)- Крон касаллигининг асоратларидан бири ҳисобланади. Енбош ичак ва семоцекал қисмини жароҳатланиш натижасида пайдо булади. Хирургик даволаш ингичка ёки йугон ичакнинг минимал зарур қисмини резекциясидан иборат.

Куп ҳолларда беморларда ичакнинг торайиши, унинг деворини трансмурал жароҳатланиш натижасида ичаклараро абсцесс булади. Куп ҳолларда у енбош ичакнинг терминал қисмида ёки имоцекал қисмидаги патологик жароҳатлардан вужудга келади. Абсцесснинг топиқ диагностикаси УЗИ ва корин бушлигининг КТ ёрдамида амалга оширилади. Даволаш одатда хирургик йул билан амалга оширилади, чунки антибиотиклар ҳам ҳолларда ердам беради. Қалта ичак синдроми пайдо булмаслиги учун резекция вақтида жуда ҳам тежамкор булиши керак. Баъзида операцияни биринчи босқичи сифатида абсцессни алоҳида қисма орқали дренировать қилиши керак. Иккинчи босқичида, яллиғланиш жараёни пасайганда сунг жароҳатланган петляни резекцияси амалга оширилади.

Крон касаллигини куп учрайдиган асоратларидан яна бири ичак ичак окмаси ҳисобланади. Окма яра ичак деворини қолинлашуви ёки ичакни эзилиб қисилиб қолиши натижасидаги ичакнинг утқизишини бузилиши натижасида ҳосил булади. Окмалар куп ҳолларда хирургик даволанишни талаб килади. Окмалар ташки ва ички булади. Ички окмалар ичак петлялари орасида ёки жароҳатланган ичак билан чанокдаги органлар (ут пуфаги, кин) орасида пайдо булади. Бундай ҳолларда хирургик даволаш зарур. Бошқа асоратлар ичида ичакни корин бушлигига пуфарақияси, қайтанувчи қучли қон қетишлар ичак структуралари бактериялар билан зарарланиш синдроми билан бирга, ёмон сифатли бузилишлар ва сийдик йуллари абструкцияси учрайди.

Перионал абсцесслар 50% беморларда учрайди, айниқса йугон ичакдаги жойлашувларда. Одатда оператив аралашувлар қесиш ва абсцессни дренажлаш билан чегарланади, лекин бвъзида вақтинчалик коло-ёки имостамолар қуйиш зарур.

Шуни айтиб ўтиш керакки ингичка ичаги жароҳатланган 3 % дан 40% касалларда қай резекция амалга оширилади. Лекин касаллик рецивлари операциядан кичик ҳар доим ҳам пайдо бўлмайди.

Рицидивлар профилактикаси. Ҳамма касалар гастроэнтерологнинг динамика кузатувида булишлари керак, улар доимий даволашга мухот булишади, патогенетик ва симптоматик таъсирга эга бўлган препаратлар билан даволаш за-

рур. Профилактика симптоматик воситалар билан амалга оширалади.

Сурункали диареяни даволаш учун узок вақт давомида холитирамин қабул қилиш керак. Бундай ҳоларда одатда сувли диарея тухтатиб қолади. Шу вақтнинг узида холитираминни узок вақт қабул қилиш натижасида стеаторея ҳосил бўлади бунга мицеллолар пайдо бўлишида ут кислоталарни иштирок этмаслиги сабаб бўлади.

Прогноз. Уткир грануломатозли имитдон кичик тулик тузалишга эришиб бўлмайди. Исриниозли имейтдан сунг тузалиши мумкин.

Сурункали Крон касаллиги ҳаёт давомидаги қайталаниб туради. Буйнинг усмай қолиши кузатилмайди, агар касаллик ёки янаям кечроқ пайдо бўлса. Ичакнинг жароҳатланган қисмини резекциясидан сунгги рецидивлар, операция қилинмаган касаллардагига нисбатан ҳам урчайди. Ичак тутилиши ичак перфорацияси, сепсис, оизб кетиш ёки ичак ракиннинг пайдо бўлиши каби асоратлар прогнози қийнлаштиради.

ИНГИЧКА ИЧАКДА УТКАЗИЛАДИГАН ОПЕРАЦИЯЛАР

Ингичка ичакдаги хирургик аралашувда одатда урта қисимдан урта, зарур бўлганда эса- пастки ёки юқори қисмидан урта лапаратомия утказилади. Ёнбош ичакка свиш қуйилаётганда оппендэктомиядагидек, қорин деворига эгри кесма қуйилади.

ИНГИЧКА ИЧАК РЕЗЕКЦИЯСИ (RESECTIO INTESTINI TENLAE)

Ингичка ичак резекциясига курсатмалар: ичак тутилишида ичак деворини некрози, катта жароҳатлар, усмалар.

Операция техникаси. Операцион жароҳатга ичакнинг зарарланган петляси қирғизилади, уни салфеткалар билан ураб ичкилади. Анастомозларни ичакни узгармаган қисмларига қуйиш кераклигини эсда сақлаган ҳолда ичакни резекцияланадиган қисмига чегаралар белгиланади.

Ичакни катта бўлмаган қисмини резекциясида ичак туткичини орқа пардалардан келувчи тугри томирлар утадиган ичак деворига яқин қисмида кесилади. Бунинг учун қон тухтатувчи зотимлар билан ичак туткични катта бўлмаган қисми кесиб олинади ва боғланади.

Ичакнинг катта резекциясида ичак туткич клин шаклида кесилади. Бунда ичакнинг қолган қисмини қон билан таъминланишини сақлаб қолишига аҳамият берилади. Резекция қилинадиган жойни иккала томонидаги ичак туткичдаги қилинган тқширишлардан марлядан қилинган ушловчи тасмалар утказилади. Ичак петляси тугриланади ва марлядан қилинган тасмалар тортилади, ичак туткични қорин парда билан уланган қисмини «қлин» шаклида эҳтиёт бўлиб ажратилади. Кесилган кесмани ҳар икки тарафига қорин парда сурилади, томирлар препарацияланади ва боғланади, қон тухтовчи қискичлар ажратиб олинади. Ичакнинг қолган қисмида қон билан таъминланиш сақланиб қолинганлигига вақтинчалик томирлари қисиш билан билиб олинади. Томирлар боғлангандан сунг ичак туткич ажратилади ва ичакнинг резекцияланувчи қисмига ичак жоми қуйилади, қолган қисмига эса ушловчи чоклар қуйилвди.


Агар ичак петлясини ичи масса билан тулоган бўлса, ичак девори бармқолар билан эзилиб ичак ичидаги масса юқори қисмларга утказиладиган, қисиш

тахмин килинаётган жойдан 10-15 см колдириб ичак юмшок жом билан кисилади, унинг броншларига юмшок резина трубкалар киргизилган булади.

Ичакни кушилган держалколар ва каттик жом орасидаги резекцияланадиган кисми олиб ташланади.


Жомлар куйилиши ва ичакнинг кесилиши кийшикрок тарзда килиниши керак, бунда озод киргоклар буйлаб купрок ичак деворини олиб ташланади. Бу билан ичак киргокларини кон билан таъминланишини бузилиши олдини олинади, бунда ичакнинг ички хажми ошади, бу эса «охир-оихр» анастомозларини куйишда мухим ҳисобланади. Ичак охирларини бириктириш ҳар хил усуллар билан амалга оширилади «охир-охир», «ёнбош-ёнбош» ва «охир ёнбош».

«Охир-охир» анастомози. Бу анастомоз анчагина физиологик ҳисобланади ва ҳозирги вақтда куп кулланилади. Унинг куйилиш техникаси куйидагича. Ичак петляси олиб ташлангандан сунг шиллик кават дока шарчаси билан артилади. Ичакнинг икхола охирини бир бирига якинлаштирилади, олдинрок куйилган ушловчи чоклар богланади а узликсиз кетгут чок анастомознинг орка лабларига куйилади (расм 6). Шу ип билан анастомозни олдинги лабларига чок куйилади. Ипнинг иккала охири богланади ва олиб ташланади. Инструмент салфетка ва перчатклаарни алмаштириш амлага оширилади. Кичик анастомозни олди орка ярим айланаси буйлаб катор сероз мускул чоклар куйилади. Ичакнинг олиб келувчи петлясидан юмшок жом олинади ва алохида тугунли сероз чоклар билан ичак туткичдаги дарга биринчи бир тарафдан, кейин бошқа тарафидан тикилди. Ичак туткичдан утаётган томирларни жароҳатламаслик учун тикаётганда, чокга факат корин парда кушиб кетилади.



Расм 6. Охир-охир анастомоз куйиш техникаси.

«Ёнбош-ёнбош» анастомози. Ичак туткич боглангандан ва кесилгандан ичак чиак жомлари билан эзилади ва маҳкам мойи билан богланади. Резекция амалга оширилади, оилб келувчи ва олиб кетувчи кисмларни чултоклари эса кисет чок билан тикиб беркитилади, унинг устидан катор тугунли сероз мускул чоклар куйилади (расм 7).



Расм 7. Олиб келувчи ва олиб кетувчи чултоқларини кисет чоклари билан беркитиш.

Ингичка ичак ковузлогини жомлар орасида резекциялаш мумкин, ва унинг олиб келувчи ва кетувчи кисмлари охирилари 2 каторли чок билан тикиш мумкин; бунинг учун ичак киргогини ҳамма каватлари оркали узлуксиз кетгутли чок, кейин унинг устидан катор тугнли сероз-мускул чок куйилади. Иккала культ мустахкам тикилгандан кейин, ичакни олиб келувчи ва олиб кетувчи кисмларини бир бирига изоперистальтик теккизилади ва ёнбош тешиклари билан бириктирилади (расм 8). Анастомозни ичак культидан 2-3 см куйиш зарур.



Расм 8. Ёнбош-ёнбош анастомозни умумий қуриниши.

ПРАКТИК КИСМ

Тематик тестлар

1. Крон касаллиги учун хос эмас:
 - А) ташки ва ички окмаларни пайдо булиши
 - Б) касалликни узок давом этиши
 - В) ичакни факат шиллик каватини жарохатланиши
 - Г) параректал окмаларни пайдо булиши
 - Д) анемия
2. Дивертикулез одатда кузатилади:
 - А) кизил унгачда
 - Б) ошкозонда
 - В) 12 бармок ичакда
 - Г) ёнбош ичакда
 - Д) чамбар ичакда
3. Меккель дивертикули нимани анатомик элементи хисобланади:
 - А) ёнбош ичакни
 - Б) аччик ичакни
 - В) ут йуллари 2 буртиб чикишини узида курсатади
 - Г) куп холатларда аппендектомиядан кейин пайдо булади
 - Д) хаммаси тугри
4. Меккель дивертикули нимага сабаб булиши мумкин:
 - А) инвагинацияга
 - Б) ичак тутилишига
 - В) перфориацияга
 - Г) кон кетишига
 - Д) хаммаси тугри

5. Меккель дивертикули купрок нима оркали намоён булади:
- А) конли кусиш
 - Б) ичакдан кон кетиш
 - В) ингичка ичак тутилиши
 - Г) кабзият (запор)
 - Д) дивертикулит
6. Меккель дивертикули кайси найчани колдиги хисобланади:
- А) сензон
 - Б) вальф
 - В) шюллер
 - Г) омераломезен термол
7. Дивертикулез асоратларига кайси бири кирмайди:
- А) дивертикулит
 - Б) кон кетиш
 - В) перфорация
 - Г) окма яра
 - Д) малигнизация
8. Дивертикулезни консерватив даволашда кайси бири кулланилмайди:
- А) спазмолитиклар
 - Б) сульфаниламид перпаратлари
 - В) витаминлар
 - Г) антисептик эритмали илик клизмалар
 - Д) антибиотикотерапия

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Астопенко В.Г. Практическое руководство по хирургической болезни// М.: 1984. Том-2, с380.
2. Егиев В.Н. Однорядный непрерывный шов анастомозов в абдоминальной хирургии. М.: Мед. практика. 2002. 100с.
3. Ерюхин И.А. и др. Кишечная хирургия. Руководство для врачей. М.: 1999. 143с.
4. Каримов Ш.И. Хирургические болезни// М.: Ташкент, 1994. с420.
5. Корепанов В.И. Новые методы операции на толстой кишке и в анальной области. М.: Москва, 1998. 70с.
6. Кузин М.И. Хирургические болезни// М.: 1990, -С. 526-541
7. Литтман И. Брюшная хирургия// Будапешт, 1970, с566.
8. Логинов А.С. и др. Болезни кишечника// М.: -Руководства для врачей 2000, с624.
9. Маскин С.С. и др. Однорядные швы хирургии ободочной и прямой кишки: IV Республиканская конф. с межд. участием по проктологии. Минск, 2001. С. 266-268.
10. Михайлова Е.В. и др. Кишечные стомы: Актуальные вопросы современной хирургии. Тез. науч. конф. Москва, 2000. С. 127-128.